

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

3-сон
(243)
2007 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўймиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-хукуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

20. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон Қонуни
21. «Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январдаги ЎРҚ-79-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

22. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 январдаги ПФ-3846-сон Фармони

23. «Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тӯғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги ПҚ-564-сон қарори
24. «Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашга оид кейинги чора-тадбирлар тӯғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги ПҚ-565-сон қарори
25. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тӯғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 январдаги ПҚ-566-сон қарори
26. «Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январдаги ПҚ-568-сон қарори
27. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тӯғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 январдаги ПҚ-571-сон қарори

Тӯртинчи бўлим

28. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тӯғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойихасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2007 йил 17 январдаги қарори

+

Бешинчи бўлим

29. «Ижро харакатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини саклашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2, 1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 январда 1653-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
30. «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тӯғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 январда 1654-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
31. «Судлар, суд процеслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тӯғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/2, 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 январда 1655-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

32. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2007 йил 10 январдаги 3-сон буйруфи. (*2007 йил 15 январда давлат реестридан чиқарилди*)
33. «Сахро олтини» кўшма корхонаси учун соликقا тортиш, бухгалтерия хисоби ва ҳисоботини юритиши тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 29 декабрдаги 110, 2006-56-сон қарори (*2007 йил 18 январда давлат реестридан чиқарилди*)
34. «Солик имтиёзларини хисоблаб чиқариш ва «Ўзфармсаноат» концерни ҳузурида Ривожлантириш жамгармаси ташкил этиши тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 29 декабрдаги 112, 2006-55-сон қарори (*2007 йил 18 январда давлат реестридан чиқарилди*)
35. «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳалари ни ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солик солиш тартиби тўғрисидаги вақтингачалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 29 декабрдаги 111, 2006-53-сон қарори (*2007 йил 18 январда давлат реестридан чиқарилди*)
36. «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 27 декабрдаги 611-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 январда 1512-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 13 январдан 19 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

20 «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 541-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 10-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиклансан (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;
давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 январь,
ЎРҚ-78-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 16 январда эълон қилинган.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатидиган оммавий ахборот воситаларига, шунингдек чет давлатлар оммавий ахборот воситаларига улар маҳсулотининг Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатилишига тааллукли қисмига нисбатан татбиқ этилади.

3-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатлари

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Оммавий ахборот воситалари

Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиши, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари қонун хужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлигини сунистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгаришига даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик фояларини тарғиб қилиш;

давлатсири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, иркӣ, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалири, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа харатларни содир этиш мақсадида фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини тахкирлаш, шахсий ҳётига аралашиб тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир қўрсатиш тақиқланади.

7-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишига йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгарилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

2-боб. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш

8-модда. Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш хукуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш хукуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир нечта муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Кўйидагилар оммавий ахборот воситасининг муассиси (бундан буён матнда муассис деб юритилади) бўлиши мумкин эмас:

ўн саккиз ўшга тўлмаган шахс;

касдан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган шахс;

фаолияти қонун билан тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган юридик шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

9-модда. Таъсис ҳужжатлари

Оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари таъсис шартномаси ва оммавий ахборот воситаси таҳририятининг (бундан буён матнда таҳририят деб юритилади) уставидан (низомидан) ёки фақат таҳририятнинг уставидан (низомидан) иборатдир.

10-модда. Таъсис шартномаси

Таъсис шартномаси бир нечта муассис ўртасида тузилади.
 Таъсис шартномасида кўйидагилар назарда тутилади:
 муассисларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва жойлашган ери
 (пошли манзили);
 таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади,
 ихтисослашуви ва даврийлиги;
 таҳририятнинг ташкилий-хукукий шакли;
 таҳририятнинг устав фонди миқдори ва шакллантириш тартиби;
 таҳририятни молиялаштириш манбалари;
 муассисларнинг таҳририят фаолиятида иштирок этишга доир хукуқ ва мажбу-
 риятлари;
 таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;
 фойдани тақсимлаш ва заарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;
 оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тарти-
 би;
 конун хужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

11-модда. Тахририят устави (низоми)

Тахририят конун хужжатларига мувофиқ қабул қилинган ва муассис томони-
 дан тасдиқланган устав (низом) асосида фаолият қўрсатади.

Тахририят уставида (низомида) кўйидагилар белгиланади:

+ даврийлиги ва ҳажми;
 таҳририятнинг жойлашган ери (пошли манзили);
 муассис ва таҳририятнинг хукуқ ҳамда мажбуриятлари;
 таҳририятни молиялаштириш манбалари;
 таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;
 фойдани тақсимлаш ва заарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;
 оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асос-
 лари ва тартиби;
 таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;
 уставни (низомни) қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш тартиби;
 конун хужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар.

-

12-модда. Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартнома

Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномада кўйидагилар белгиланади:
 муассис ва таҳририятнинг хукуқ ҳамда мажбуриятлари;
 оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва чиқариш шартлари;
 таҳририят фаолиятини молиялаштириш тартиби;
 таҳририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шаро-
 итларини ташкил этиш тартиби;
 учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар тартиби;
 тарафларнинг жавобгарлиги;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.
 Агар муассис ва таҳририят сифатида бир шахс иш юритса, шартнома тузиш
 талаб этилмайди.

13-модда. Муассиснинг ҳуқуқлари

Муассис:

оммавий ахборот воситасининг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

тахририятнинг бошқарув органларини шакллантиришда таъсис шартномаси, тахририят устави (низоми) ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

фойдани тақсимлашда ва заарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиш;

энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати тахририят уставига (низомига) ёки муассис ва тахририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материални ўз номидан оммавий ахборот воситасида бепул жойлаштириш;

тахририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш ҳукуқига эга.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Муассиснинг мажбуриятлари

Муассис:

тахририятни ташкил этиши;

тахририят уставини (низомини) тасдиқлаши;

тахририят билан шартнома тузиши;

оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таъминлаши;

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

муассиснинг устав фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар устав фондида чет эл инвестициялари улуши ушбу Қонун 8-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган чегарадан ортиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланадиган ваколатли давлат органини (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) хабардор этиши шарт.

Муассиснинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Тахририят

Тахририят оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмасидир.

Тахририят қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳукуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тахририят ўз касб фаолиятида мустақилdir.

Тахририят бош муҳаррир ва тахририят ходимларидан иборат бўлиши мумкин.

Тахририят оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

Тахририят фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16-модда. Бош муҳаррир

Бош муҳаррир муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бош мухаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонун хужжатлари ва таъсис хужжатларига мувофиқ бош мухаррир оммавий ахборот воситасининг муассиси, тарқатувчиси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда, шунингдек судда таҳририят номидан иш юритади.

17-модда. Тахририят ходими

Тахририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳлил, таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тахририят ходимиdir.

18-модда. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар

Ҳар бир даврий нашрнинг чиқарилишида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

даврий нашрнинг номи;
давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами;
муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
бош мухаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
хар бир даврий нашр чиқарилиши учун масъул бўлган тахририят ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми;
тартиб рақами ва чиқарилган санаси, даврий босма нашрлар учун эса босишига рухсат берилиб, имзо қўйилган вақт (жадвалда белгиланганни ва амалдагиси);
даврий босма нашрлар учун — индекси, адади, баҳоси ёки «Келишилган нархда», «Бепул» деган ёзувлар;
таҳририят ва босмахонанинг жойлашган ери (почта манзили).

Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларга ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шаклларига доир маълумотлар қонун хужжатлари билан белгиланади.

3-боб. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиши

19-модда. Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади (бундан бўён матнда рўйхатдан ўтказиши деб юритилади). Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги ариза рўйхатдан ўтказувчи органга белгиланган тартибда муассис томонидан берилади.

Муассиснинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги аризаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳамда қайта рўйхатдан ўтказганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда рўйхатдан ўтказиши йиғими олинади.

20-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада куйидагилар кўрсатилиши керак:

муассис тўғрисидаги маълумотлар;
оммавий ахборот воситасининг номи, тили ва тури;
мақсад вавазифалари;
ихтинослашуви;
тарқатилиш худуди;
даврийлиги;
молиялаштириш манбалари;
таҳририятнинг жойлашган ери (почта манзили) ва таҳририят тўғрисидаги бошқа маълумотлар;
ҳажми;

муассис ва таҳририят бошқа қайси оммавий ахборот воситаларига нисбатан муассис, ишончли бошқарувчи, ношир, тарқатувчи эканлиги ҳақидаги (барча аф-филланган шахсларнинг ва улардан ҳар бирининг таҳририят устав фондидағи улущи микдорлари кўрсатилган) маълумотлар.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситасининг таъсис хужжатлари илова қилинади.

Агар муассис битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага фақат таҳририят устави (низоми) илова қилинади.

— Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишида ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа талаблар қўйиш тақиқланади.

+

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи—бешинчи хатбошиларида, шунингдек иккинчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва хужжатларга оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ўзгартишлар киритилган тақдирда, у белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтиши шарт. Колган холларда муассис ёки таҳририят киритилган ўзгартишлар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни бир ой муддатда ёзма шаклда хабардор килиши шарт.

21-модда. Рўйхатдан ўтказилмайдиган оммавий ахборот воситалари

Куйидагиларнинг рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмайди:

фақат ўз расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-хукукий хужжатларини эълон қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этиладиган оммавий ахборот воситалари;

корхона, муассаса, ташкилотнинг (шу жумладан ўқув ва илмий муассасанинг) ўз эҳтиёжларини қондириш учун адади юзтагача нусхада чоп этиладиган даврий босма нашрлар;

кабель тармоқлари орқали олиб бериладиган (кўрсатиладиган) теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, шунингдек тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса) биноси ва (ёки) худуди билан чекланадиган аудио-, аудиовизуал хабар ва материаллар.

22-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш қуидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари қонун хужжатларига зид бўлса;

оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонунга мувофиқ оммавий ахборот воситасини таъсис этиш хукуқига эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс номидан берилган бўлса;

оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар хақиқатга мос келмаса;

бундан аввал айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, рад этиш асослари кўрсатилган ёзма хабарнома қарор чиқарилгандан кейин ўн кун ичida аризачига юборилади.

Муассис рўйхатдан ўтказувчи органнинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

23-модда. Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг сохта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганилиги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бунда рўйхатдан ўтказувчи орган оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши шарт.

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

24-модда. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таҳририят уставида (низомида) ёки муассис ва таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда тўхтатиб туриш ёки тугатишга ҳақлидир.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичida ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Мазкур хабарнома ушбу оммавий ахборот воситаси чиқарилишининг тўхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги сўнгги чиқарилишларидан бирига жойлаштирилиши керак.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини суд қарорига кўра тўхтатиб туриш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таҳририятга нисбатан чиқарилган

огохлантиришга сабаб бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши тақорий ёзма огохлантиришдан кейин бир ой ичидаги бартараф этилмаган тақдирда амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини қайта бошлаш рўйхатдан ўтказувчи орган аниқлаган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ва (ёки) таҳририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд карорига асосан амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқариш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари таҳририят томонидан муентазам равиша бузиб келинганлиги, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассис ва (ёки) таҳририят номига илгари ёзма огохлантиришлар юборилганлиги;

суднинг оммавий ахборот воситасини чиқаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги;

оммавий ахборот воситасининг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чиқарилмаганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги оммавий ахборот воситасини белгиланган тартибида таъсис этишига ҳақлидир. Бундай ҳолда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

+

4-боб. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш.

Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги

25-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулоти

Даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд телевизион-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотидир.

26-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек белгиланган тартибида юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш уларга обуна ташкил этиш, шунингдек чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрлар ададини чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида чиқарилишининг тарқатилишига бош муҳаррир унинг чиқарилиши учун рухсат берганидан кейингина йўл қўйилади.

Кўрсатув ва эшиттириш узлуксиз давом этганда оммавий ахборот воситаси

маҳсулотининг тарқатилишига бош муҳаррир дастлабки рухсат берган пайтдан эътиборан ҳамда кўрсатув ва эшиттиришдаги танаффусга қадар йўл қўйилади.

27-модда. Даврий босма нашрнинг электрон шакли

Даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усуларидан биридан.

Тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шаклларининг мазмунини айнан бир хил бўлган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда, даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустакил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақлидир.

Даврий босма нашрнинг босма шаклида мавжуд бўлган реклама хабарларининг электрон шаклдан олиб ташланиши ва (ёки) бутунлай ёки қисман алмаштирилиши, шунингдек электрон шаклда ифодаланган материаллар ҳажмининг босма шаклидагига нисбатан қисқартирилиши мазмуннинг айнан бир хиллиги бузилиши деб қаралмайди.

Даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шакли тарқатилиши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

28-модда. Даврий босма нашрларга иловалар

Даврий босма нашрлар иловалар билан чиқарилиши мумкин. Иловалар қайси даврий нашрга таалукли бўлса, уларда ўша асосий даврий босма нашрнинг номи кўрсатилиши керак.

Даврий босма нашрнинг алоҳида номга эга бўлган иловаларига мустакил оммавий ахборот воситаси сифатида қаралади ва у умумий асосларда рўйхатдан ўтказилиши керак.

29-модда. Назорат нусхалари ва мажбурий нусхалар

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари таҳририятга, муассисга ва рўйхатдан ўтказувчи органга бепул юборилади.

Даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари юбориладиган муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлашибошига йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлашибошига йўл қўйилмайди.

Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма беш фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигига, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси худудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Ўзбекистон Республикаси худудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белги-

лайдиган тартибга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари га мувофиқ амалга оширилади.

Чет давлатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда, уларнинг маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш тугатилиши мумкин.

5-боб. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари

32-модда. Муаллиф материалларидан ва хатлардан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларида муаллиф материалларидан, фан, адабиёт ва санъат асарларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишига йўл қўйилади.

Тахририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида уларнинг мазмунини бузмаган ҳолда матнини қисқартириш ҳамда таҳир қилишга йўл қўйилади.

Тахририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

33-модда. Ахборот манбанини ошкор этмаслик

Тахририят ўз номини ошкор этмаслик шарти билан берилган ахборот, маълумотлар, фактлар ёки далиллар манбанинг номини, шунингдек тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Тахририят ахборот манбанинг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг талаби-га биноан уларнинг номидан судда иштирок этиши мумкин.

+

34-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва кадр-киммати ёки ишчанлик обрўсими таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни тахририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар мазкур оммавий ахборот воситасида раддия ёки жавобни эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб жавоб берилишига сабаб бўлган материал босилган айни ўша саҳифада маҳсус руҳи остида эълон қилиниши керак.

Раддия ёки жавоб газеталарда улар олинган кундан эътиборан бир ой ичидаги бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилиниши шарт.

Теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шакллари тахририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кунидан эътиборан бир ойдан кечиктирмай эфирга берилади.

Агар раддия ёки жавобни эълон қилиш ҳажми ва вакти оммавий ахборот воситасиning фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлса, матнни ахборот манбай ёки муаллиф билан келишилган ҳолда асосланган таҳир қилишга йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситаси раддияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

35-модда. Расмий хабарлар ва ахборотни эълон қилиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари шу органларнинг расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-хукукий хужжатларини эълон қилиши шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилинч хабарлар ёки ваколатли давлат органлари томонидан жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган қарорини таҳририят суд қарорида кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилганидан бошқа ҳар қандай ахборот, хабар ва эълон таҳририят билан тузиладиган шартнома асосида эълон қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар**36-модда. Ахборот агентликлари**

Ушбу Конун ахборот агентликларига нисбатан қўлланилган тақдирда, уларга бир вактнинг ўзида оммавий ахборот воситасининг таҳририяти, ношири, тарқатувчиши мақоми ҳамда хукукий режими татбиқ этилади.

Ахборот агентлиги томонидан таъсис этиладиган, доимий номга эга бўлган ахборотнома, хабарнома, бошқа нашр ёки дастур ушбу Конунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Ахборот агентлигининг хабарлари ва материаллари бошқа оммавий ахборот воситаси томонидан тарқатилган тақдирда, ахборот агентлигининг номи кўрсатилиши шарт.

37-модда. Халқаро ҳамкорлик

Оммавий ахборот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун хужжатлари асосида амалга оширилади.

38-модда. Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакилларини аккредитация қилиш

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини амалга оширади.

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ваколатхоналари ва вакилларининг хукукий мақоми ҳамда касбий фаолиятини амалга ошириш шартлари қонун хужжатлари билан белгиланади.

39-модда. Низоларни ҳал этиш

Оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши соҳасида юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бош муҳаррир, шунингдек журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун кўйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисботлари маълумотларидан ёхуд ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари орқали олинган бўлса;

агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишиларида мавжуд бўлса ёки чиқишиларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

21 «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 11 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга ило ва, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қўйидаги ўзgartиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **97-модданинг иккинчи қисмидаги** «розилиги» деган сўз «рухсати» деган сўз билан алмаштирилсан;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 17 январда эълон қилинган.

2) 1031-модда 1-бандининг:

учинчи ҳатбоюси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари»;

тўртинчи ҳатбоюси «электрон ҳисоблаш машиналари» деган сўзлардан кейин «(бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 1034-модданинг:

иккинчи қисми «розилиги» деган сўз «рухсати» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутлақ хуқуқларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк обьектидан нормал фойдаланилишига ўринисиз зиён етказмаган ва хуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади»;

4) 1041-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**«1041-модда. Муаллифлик хуқуқи обьекти**

Муаллифлик хуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик хуқуқи қўйидаги бирон-бир обьектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўллёзма, машинкалangan ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

офзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарх, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик хуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади»;

5) 1042-модданинг еттинчи ҳатбоюси «(кино-, телевизор ва видеофильмлар, слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино-, телевизор ва видео асарлар), радио асарлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) 1043 ва 1044-моддалар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**«1043-модда. Муаллифлик хуқуқи обьектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлами асарлар**

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

асарнинг мустакил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, муҳтасар хulosалар, шархлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлами асарлар муаллифлик хуқуқи обьектлари ҳисобланади.

Ҳосила ва жамлами асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик хуқуқи обьектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик хуқуқи билан муҳофаза қилинади.

1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар

Қўйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

- расмий ҳужжатлар (қонунлар, карорлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;
- расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);
- халқ ижодиёти асарлари;
- оддий матбуот ахбороти тусидағи кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;
- инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар»;

7) **1046-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фукаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

— Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи хисобланади.

+ Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этганига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади»;

8) **1048-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1048-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди»;

9) **1049-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга хақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик лугатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар хамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга хақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқларини сақлаб қоладилар»;

10) **1051-модданинг матни** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Асар муаллифига кўйидаги шахсий номулкий хукуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш хукуқи (муаллифлик хукуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш хукуқи (муаллифлик исмига бўлган хукуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш хукуқи (ошкор қилишга бўлган хукуқ), шу жумладан чакириб олиш хукуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш хукуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш хукуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш хукуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиш хукуқига (асарни чақириб олиш хукуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга хақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга факат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шархлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий хукуқлари унинг мулкий хукуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий хукуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»;

11) **1052, 1053, 1054** ва **1055-моддалар** чиқариб ташлансин;

12) **1056-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1056-модда. Муаллифнинг мулкий хукуқлари

Муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ хукуқлар тегишлидир.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда кўрсатил-

ганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ әгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қўйидаги хараткларни амалга ошириш ёки бундай харакатларга рухсат бериш ҳуқуқини англаади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибари учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибари учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқига) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний кири-тилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб хисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб хисобланмайди»;

13) **1057-модда** чиқариб ташлансин;

14) **1058-модданинг матни** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059—1062-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади»;

15) **1059-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1059-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда шахсий мақсадларда такрорлаш

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа хукуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:

бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;

маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;

китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди»;

16) **1060-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дағн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа хукуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади»;

17) **1061 ва 1062-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1061-модда. Асарлардан суриширув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш

+

Асарлардан суриширув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа хукуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

-

1062-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик хукуқи

Хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий хукуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш хукуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳукуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар кандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишига ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топширикларини бажариш йўсинасида ушбу Кодекс 1049-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди»;

18) **1063-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси

Ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси худудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қиливчиларининг асарларига;

муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофик Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичida Ўзбекистон Республикаси худудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофик асарга Ўзбекистон Республикаси худудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг худудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади»;

19) **1064-модда** чиқариб ташлансин;

20) **1065-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қиласди, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифлика яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Агар кўрсатилган муддат ичida тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан бўён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар кўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини химоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофик муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси худудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиқсан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади»;

21) **1066-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатини тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси худудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоий мулк хисобланади.

Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳукуқларига риоя этилиши керак»;

22) 1067-модданинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 1056-моддасининг учинчи кисмида назарда тутилган мулкий ҳукуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифнинг мулкий ҳукуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ ҳукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳукуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳукуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳукуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳукуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳукуқлар хисобланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳукуки асар акс эттирилган моддий обьектга бўлган мулк ҳукуки билан боғлиқ эмас.

Моддий обьектга бўлган мулк ҳукуқини ёки моддий обьектга эгалик қилиш ҳукуқини бошқа шахсга ўтказиш шу обьектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳукуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди»;

23) 1068-модданинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муаллифлик шартномасида қуидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳукуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ микдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ микдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳукуки қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунинг қадар камидан олти ой олдин бу хақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳукуки амал қиласиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаетган ҳукуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳукуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб хисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган хукуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлик ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада кайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган хукуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас»;

24) **1071 ва 1072-моддалар** чиқариб ташлансин;

25) **1074, 1075 ва 1076-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1074-модда. Турдош хукуқлар объектлари

Турдош хукуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради.

1075-модда. Турдош хукуқлар субъектлари

Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош хукуқлар субъектлариdir.

Турдош хукуқларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош хукуқлар обьектини рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш ва кабель орқали юбориши (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асардан, ижродан, фонограммадан ёхуд эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан фақат хукуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансляция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа хукуқ эгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориши, барчанинг эътиборига етказишга бўлган хукуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

1076-модда. Турдош хукуқларнинг муҳофаза белгилари

Фонограммага ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ хукуқлар эгалари ўз хукуқларидан хабардор қилиш учун турдош хукуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сакланадиган ҳар бир филофда акс эттирилади ҳамда қўйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айланы ичидаги лотинча «Р» харфи;
мутлақ турдош хукуқлар эгасининг исми (номи);
фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исми ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган филофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача хол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади»;

26) **1077-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижрочига қўйидаги хукуқлар тегишлидир:
исмига бўлган хукуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган хар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш хукуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг хар бир тури учун ҳақ олишга бўлган хукуқ.

Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлари қўйидаги ҳаркатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаркатларга рухсат бериш хукуқини англатади:

ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш хукуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк хукуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хукуқи);

ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хукуқи);

+ ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк хукуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш хукуқи);
- илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш хукуқи);

ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланилайдиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хукуқи);

ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хукуқи).

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк хукуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топширигини бажариш тартибида амалга оширилган ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1062-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз хукуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг хукуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган деб ҳисобланади»;

27) **1078 ва 1079-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1078-модда. Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуқлари

Фонограммани тайёрловчига ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

фонограммани тақрорлаш (тақрорлаш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усуlda қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳак олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний кири-тилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳак тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочиларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб ҳисобланади.

1079-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотга ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишда ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини тақрорлаш (тақрорлаш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориши (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориши ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг хар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари кўлланилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижроциилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб ҳисобланади»;

28) **1080** ва **1081-моддалар** чиқарib ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 январь,
ЎРК-79-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

22 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзвестий» Давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 14 ноябрдаги ПК-511-сонли қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритилсан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 январь,
ПФ-3846-сон

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 18 январдаги
ПФ-3846-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиши бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сонли Фармонида:

1-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3-баннадаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПК-499-сонли қарорида:

а) 1-иловадаги 18-банднинг иккинчи хатбошидаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

б) 2-иловадаги 4-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошидаги ҳамда 8-банднинг ўн олтинчи хатбошидаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) ўн тўртинчи хатбошидаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

г) 3-иловада:

7-банднинг «е» кичик бандидаги «пул ютуқли ўйин автоматларини ишлатишдан» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 30-банддаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги, 29-банднинг «б» кичик банди учинчи ва тўртинчи хатбошидаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банднинг «г» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошидаги «худудий шўъба йўл-курилиш ташкилотлари» сўзлари «худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

23 Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

+

-

Республика нефть-газ тармоғи учун олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. «Ўзбекнефтгаз» миллый холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (бундан бўён — И.М. Губкин номидаги РДНГУ) Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини (бундан бўён — Филиал) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

И.М. Губкин номидаги РДНГУда қабул қилинган таълим дастурлари ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэтироф этилган ҳалқаро талаблар, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллый дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ республика нефть-газ тармоғи учун юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш Филиалнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

2. И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал И.М. Губкин номидаги РДНГУнинг алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, 2-иловага** мувофиқ, келишилган асосий ўналишлар (мутахассисликлар) бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан илмий-педагогик кадрларни тайёрлайдиган олий ўкув юрти ҳисобланади;

* 1-илова берилмайди.

** 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш И.М. Губкин номидаги РДНГК томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш И.М. Губкин номидаги РДНГУ томонидан тасдиқланган ўкув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Филиал битирувчиларига И.М. Губкин номидаги РДНГУни тугатганлик ҳақида бериладиган белгиланган намунасадаги диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат, деб тан олинади;

Филиални ташкил этиш, ўкув-моддий базасини шакллантириш ҳамда И.М. Губкин номидаги РДНГУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлик хизмат сафарлари харажатларини тўлаш, маҳаллий ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни молиялаш «Ўзбекнефтгаз» МХК акционерлик компаниялари ва корхоналари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК И.М. Губкин номидаги РДНГУ билан биргаликда:

бир ой муддатда 2007/2008 ўкув ўилида таълим босқичлари ва йўналишлари бўйича Филиалга қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ой муддатда Тошкент шаҳрида Филиални ташкил этиш бўйича таъсис хужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсинг.

5. И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалининг Васийлик кенгashi шахсий таркиби З-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, И.М. Губкин номидаги РДНГУ:

илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқларини ўкув жараёнинга жорий этишга;

геология, бургулаш ва углеводород хом ашёсини қазиб олиш йўналишлари бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва Филиал профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлашга;

Филиал кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўкув, ўкув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга ёрдам беради.

7. Белгилаб кўйилсинки, Филиал фаолиятини молиялаш:

давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган давлат грантлари шаклидаги маблағлар;

тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгashi қарорлари асосида шакллантириладиган маблағлар ҳамда ҳомийлар ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги И.М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалида давлат грантлари асосида ўқиган битирувчилар республика нефть-газ тармоғи корхона ва ташкилотларида камида уч йил ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2007/2008 ўкув ўилидан бошлаб, Филиалга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ошмайдиган қисмига давлат грантлари бўйича ўқиш учун ҳар йили давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

* З-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг асосланган ҳисоб-китобларирига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира фондидан Филиални зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва кутубхона фондини шакллантириш учун маблағ ажратсин.

9. Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолият кўрсатиши учун республикага олиб келинадиган ускуналар, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, инвентарь ва моддий техника ресурслари, истисно тариқасида, 5 йил муддатга божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви ўйимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Белгилансинки, И.М. Губкин номидаги РДНГУдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафари бўйича — Россия Федерациясининг олий ўқув юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узок муддатли хизмат сафари бўйича — тузилган шартномаларга мувофиқ ва ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиккан ҳолда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиал талабномалари бўйича Филиал томонидан таклиф этиладиган чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларни давлат божини ундирамасдан вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришни таъминласин.

12. Филиалга, дарс бериш ва илмий ишларни амалга ошириш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор ва ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт сарф-харажатларини Ўзбекистон Республикаси фукаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тузилган шартномаларга асосан, миллий валютада тўлашга рухсат этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Тошкент шахар, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-үй манзилидаги маъмурий бинони И.М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалини жойлаштириш учун бозор қиймати бўйича сотсин;

мазкур маъмурий бинони сотишдан тушган маблагни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини ривожлантириш жамғармасига Фанлар академияси муасасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли фойдаланиш учун йўналтиrsин.

14. Филиални ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия (Э. Шоисматов), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси:

2007 / 2008 ўқув йили бошланишига мазкур маъмурий бинони реконструкция қилиш, Филиал ўқитувчи ва талабаларининг яшаши учун ётоҳхона тайёрлаш;

ушбу бинода И.М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалини жойлаштириш, уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютерлар ва бошқа ташкилий техника воситалари, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини амалга оширсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
ПҚ-564-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

24 Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашга оид кейин- ги чора-тадбирлар тўғрисида

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг даромадларини легаллаштириш, депозит хисобваракларидағи қўйилмалар хажмини кўпайтириш, шунингдек нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

назорат қилиниши шарт бўлган, суммаси энг кам иш хақи миқдорининг тўрт минг каррасига тенг ёки ундан ортиқ пул маблағлари ёки мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар шундай операциялар бўйича маълумотларни маҳсус вакил қилинган давлат органига тақдим этиши лозим бўлган коиданинг амал қилиши 2013 йилнинг 1 январигача даврда тўхтатиб турилади;

тижорат банклари юқорида кўрсатилган маълумотларни факат банк сири тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тақдим этадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг фаолиятига араласиши, шунингдек улардан банк сирини ташкил этувчи маълумотлар беришни ҳуқуққа зид тарзда талаб қилиш каби ҳолларга йўл қўймаслик борасида банк сири тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтирсин;

ушбу қарор талабларини бузувчи айбор мансабдор шахсларни белгилангандар тартибда жавобгарлика тортсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Бош прокуратура, Марказий банк, Молия вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

вазирликлар ва идоралар томонидан ўз норматив хужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
ПҚ-565-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

25 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш түғрисида

1. Қўйидагилар тасдиқлансин:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қатнашувчи давлатларнинг балофат ёшига етмаганларни улар доимий яшайдиган давлатларга қайташи масалаларида хамкорлик қилиш түғрисида 2002 йил 7 октябрда Кишинев шаҳрида имзоланган Битим;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қатнашувчи давлатларнинг Давлатлараро гуманитар хамкорлик жамғармасини ташкил этиш түғрисида 2006 йил 25 майда Душанбе шаҳрида имзоланган Шартнома.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгилangan тартибида назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

+
Тошкент ш.,
2007 йил 15 январь,
ПҚ-566-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

26 Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида

Республикада қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, қурилиш индустриси корхоналарининг минерал хом ашё базасини яратиш ва кенгайтириш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Нодир ва камёб ер металлари, агрокимё ва кон-руда хом ашёси, қурилиш материаллари, ер ости чучук ва минерал сувлари захираларини кўпайиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, саноат аҳамиятига эга бўлган минерал-хом ашё базаси етарли суръатларда ривожланмаяпти. Айрим потенциал рудали ҳудудлар суст ўрганилмоқда. Геология-қидирув ишлари давомида илм-фанга асосланган технологиялар етарлича кўлланилмаяпти, илмий-тадқиқот салоҳияти анча заифлашган ва асоссиз ра-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

вишда тарқоқлашган. Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш тузилмаси ва бошқарув усуллари замон талабларига жавоб бермаяпти. Ишларнинг пировард натижаларига қараб эмас, балки физик ҳажмларига қараб баҳо беришдан иборат умрини яшаб бўлган амалиёт ҳамон сақланиб колмокда. Кончилик, бургулаш ва лаборатория асбоб-ускуналарининг ниҳоятда эскирганлиги, шунингдек, маҳсус приборлар билан яхши жиҳозланмаганлиги қидирув ишларини замонавий усул ва технологиялар асосида ўтказиш имкониятларини чеклаб қўймокда.

Геология-қидирув ишларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш, уларни фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга, илм-фанга асосланган технологияларни жадал татбиқ этишга йўналтириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар геология тармоғини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

энг аввало углеводород хом ашёси, қимматбаҳо, рангли, камёб ер металлар ва уранни, шунингдек ер ости чучук ва минерал сувларни қидириш ҳамда разведка қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган геология-қидирув ишларининг ташкилий тузилмасини, бошқарув ва прогноз қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

ер қаъридан самарали фойдаланиш ва минерал хом ашё қазиб чиқариш талабларини хисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар геологик захираларини чуқур тахлил этиш, уларни прогноз қилишнинг замонавий технологиялари ва илфор усулларини кенг кўллаш асосида геологияга оид ахборотларнинг холислиги ва ҳаққонийлигини ошириш;

геология-қидирув ишлари самарадорлигига баҳо бериш асосида бу ишларни молиялаштириш ҳамда тармоқнинг пировард натижаларига фойдали қазилмаларнинг саноат захиралари ўсишига қараб рафбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

тармоқ корхоналарини тубдан модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

геология соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг:

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида «Нодир ва рангли металлар геологияси», «Уран ва камёб ер металлари геологияси» ҳамда «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил қилиш;

1-иловага* мувофиқ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизими-даги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъ-куллансин.

3. Белгилансинки, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказлари геология-қидирув ишларининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштирилади ва минерал хом ашёнинг стратегик турларини комплекс равища, тизимили тадқиқ этиш, қидириш, баҳо бериш ва разведка қилиш учун илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўз таркибида бирлаштиради.

Қўйидагилар янги ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истиқболли ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг геологик потенциалини баҳолаш;

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

геология-қидирув ишларининг замонавий усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ истиқболли майдонлардаги геология ишларини мувофиқлашириш;

геология-қидирув ишларини ривожлантириш дастурларининг пудрат корхоналари томонидан бажарилишини назорат килиш, иш услубияти ва йўналишларидаги ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек объектларнинг истиқболли эканлиги тасдиқланмаганида ишларни тўхтатиб туриш ҳақида таклифлар киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси нинг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 65 кишидан иборат марказий аппарати тузилмаси 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда Кўмитага бўйсунувчи корхоналарни тегишили равишда қайта ташкил этсин, шу жумладан давлат корхоналарининг низомларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Кўмитанинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳукуки берилсин.

5. Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда мазкур карорда белгиланган геология соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги янгиланганди низомни тасдиқласин.

+

6. 2007—2010 йилларда геология-қидирув ишларига илм-фанга асосланган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни татбиқ этиш Даствури, шунингдек Давлат геология қўмитаси тизимидағи корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари 4, 4а-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

-

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргалиқда Даструктурда тасдиқланган вазифаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ва уларнинг зарур молиявий манбалар билан мустаҳкамланишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

геология-қидирув ишларининг ўрта муддатли (3 йилгача даврга) ва узок муддатли (3 йилдан ортиқ даврга) дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқлади ҳамда Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади;

геология-қидирув ишларининг ҳар йиллик дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда геология-қидирув ишларининг тасдиқланган ўрта ва узок муддатли дастурларини амалга ошириш доирасида тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ой муддатда Давлат геология қўмитаси тизими бўйича геология қидирув-ишларининг ҳар йиллик дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақдим этсин.

* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 4-4а-иловалар берилмайди.

8. Қўйидагилар 2011 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлаштируви ўйғимларидан ташқари божхона тўловларидан озод этилсан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳар йили тасдиқлайдиган рўйхатлар бўйича Давлат геология қўмитаси томонидан олиб келинадиган ускуналар ва автотранспорт воситалари, материаллар, шунингдек ускуналар учун эҳтиёт қисмлар;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология қўмитаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган космик суратга олиш материаллари, ускуналар ва уларга ишлов бериш учун дастур таъминоти.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

геология мутахассисликларига нисбатан қўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқиб, мазкур мутахассисликлар бўйича ўқув режалари ва таълим жараёни дастурларини тубдан такомиллаштириш;

факультетларнинг профессор-ўқитувчилар таркибидан геология ва бургулаш йўналиши бўйича малака ошириш ва малакани ўзгартириш, шунингдек камёб ер металлари геологияси соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун кадрларни етакчи хорижий олий ўқув мусассасаларига юбориш;

Тошкент вилоятидаги Оқсоқота ва Бурчмулла ихтисослаштирилган ўқув геология полигонларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

— +
геология соҳаси корхоналарининг факультетларини зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникиси ва кутубхона фонди билан жиҳозлашда ҳомийлик ёрдамини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва 2007-2008 ўқув йили мобайнода амалга оширишни таъминласин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини жорий ҳолати бўйича коммунал инфратузилмаси билан бирга 5-иловага* мувофиқ балансга қабул қиласин.

«Ўзбекэнерго» ДАК Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини электрэнергия билан таъминлайдиган паст волътили электр узатиш линияларини жорий ҳолати бўйича ўз балансига олсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 мартағи 139-сонли қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 январь,
ПҚ-568-сон

* 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

27 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ:

1. Мустакил Давлатар Ҳамдўстлигига иштирок этувчи давлатларнинг транспортда жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисида 2004 йилнинг 15 сентябрида Остона шаҳрида имзоланган Битим тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-коидаларини бажаргани тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу карорнинг 1-бандида кўрсатилган халқаро шартномадан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 январь,
ПҚ-571-сон

+

-

ТҮРТИНЧИ БЁЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНинг
ҚАРОРИ

28 «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б. Мирбоев, судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 10-моддасига амал қилган ҳолда, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритиш ҳақида»ги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бош директори Х. Мухитдинов ва «ЎзМАДпарранда-холдинг» компаниясининг бош директори А. Содиковнинг Конституциявий судга мурожаатлари муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья У. Бозоровнинг ахборотини эшишиб, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б. Кўчкоров, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н. Аҳмонов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Х-М. Исоков, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Р. Мухитдинов, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгashi раисининг ўринбосари, Тошкент давлат юридик институти Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедрасининг мудири Х. Раҳмонкулов, шу кафедра профессори вазифасини бажарувчи С. Гулямов, шу кафедра катта ўқитувчisi В. Эргашевнинг фикрларини таҳлил этиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидаги-ларни **аниқлади**:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига йўлланган мурожаатларда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 74-моддасининг учинчи қисми билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 135 ва 138-моддалари ўртасида номувофиқлик мавжудлиги ва бу номувофиқлик амалиётда жиддий қийинчиликларга сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг биринчи қисмида «Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади», деб кўрсатилган.

Мазкур Қонун 74-моддасининг учинчи қисмида «Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим», деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 134-моддасининг биринчи қисми ва 135-моддасининг биринчи қисмида бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома хисобланиши ҳамда ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилиши назарда тутилган.

Ушбу Кодекс 135-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун хужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно».

Шу Кодекс 138-моддасининг биринчи қисмида «Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилиди», деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юқорида кўрсатилган нормалари юридик шахс номидан берилган ишончнома нотариал шаклда расмийлаштирилиши эмас, балки раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилиши кераклигини, аммо «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми эса акциядор томонидан овоз беришга доир берилган ишончнома, у жисмоний шахс ёки юридик шахс бўлишидан қатъи назар, нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозимлигини назарда тутади.

Бу холат эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисми ўртасида номувофиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари фуқаролик қонун хужжатларининг барча тизими учун муҳим негиз бўлиб ҳисобланган қоидалар йиғиндиси эканлиги нуқтаи назаридан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 3-моддасининг иккинчи қисмидаги «Бошқа қонуллар ва қонун хужжатларидаги фуқаролик қонун хужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт»-лиги ҳақидаги қоидага асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кўрсатилган нормалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқлаштирилиши лозим.

Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 25, 26, 27-модда-

ларига, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд **қарор қилди**:

1. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг учинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисмiga мувофиқлаштириш максадида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси қонунчилик ташабуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси У. Бозоров ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун вакил этиб тайинлансан.

3. Ушбу Қарор «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси»да эълон қилинсин.

Тошкент ш.,
2007 йил 17 январь

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
судининг 2007 йил 17 январдаги қарорига
ИЛОВА

Лойиха

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида

Қонунчилик палатаси томонидан
_____да қабул қилинган

Сенат томонидан _____да
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1, 1-модда; 2005 йил, № 1, 1-модда; 2006 йил, № 1, 1-модда; 2007 йил, № 1, 1-модда) тартиби тўғрисида

ликаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда)
74-моддасига қўйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин:

учинчи қисмининг учинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланади»;

учинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**29 Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда
жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича
йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
15 январда 1653-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 25 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиласи:**

1. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Адлия вазири Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
2-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
1-сон

Адлия вазирлиги ва Ички ишлар
вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги
2, 1-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат
тартибини сақлашни таъминлаш бўйича
ЙЎРИКНОМА**

1. Ушбу Йўрикнома Ўзбекистон Республикасининг «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, суд ижрочилари туман (шахар) бўлимлари билан ички ишлар органларининг суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш (кейинги ўринларда матнда — ижро ҳаракатлари) жараёнида жамоат тартибини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

2. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижрочиси бу ҳақда суд ижрочилари туман (шахар) бўлими катта суд ижрочисига (кейинги ўринларда матнда — катта суд ижрочиси) маълум қиласди.

Катта суд ижрочиси шу куннинг ўзида тегишли туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма талабнома билан мурожаат қиласди. Бунда ёзма талабнома коида тариқасида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин юборилиши лозим.

3. Катта суд ижрочисининг ёзма талабномасида ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун асос, ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жой ва сана, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

4. Туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси томонидан юборилган ёзма талабномани олгач, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларини белгилайди. Бунда ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органи ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим.

5. Ижро ҳаракатлари жараёнида икки кишидан кўп бўлган миқдорда ички ишлар органлари ходимлари талаб этилса, ижро ҳаракатларида иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларининг миқдори катта суд ижрочиси томонидан туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимлари туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлиғига юборилган ёзма талабномада кўрсатилган жойга ўз вақтида етиб келишлари лозим.

7. Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган жойга етиб келган ички ишлар органлари ходимлари жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

8. Ички ишлар органлари ходими ижро иши юритуви тарафларининг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ижрочиси

томонидан ижро иши юритишда иштирок этишига йўл қўйилмайди ва у рад қилинади.

9. Ички ишлар органлари ходими ушбу Йўриқноманинг 8-бандида белгиланган ҳолатлар бўйича рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси бу ҳакда ижро ҳаракатлари бўйича тузиладиган далолатномага тегишли қайд киритиб, мазкур ходимни ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлаштиради ва ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлатилмаган ички ишлар органи ходимлари билан ижро ҳаракатларини давом эттиради.

Ички ишлар органлари барча ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштироки рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси томонидан туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ушбу ходимларни бошқа ходимлар билан алмаштириш тўғрисида ёзма талабнома юборилади. Ёзма талабномада ички ишлар органлари ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги иштирокини рад қилиш сабаблари асослантирилган бўлиши керак.

Талабнома тақдим этилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан бажарилиши лозим.

10. Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатлари амалга оширилишида қуидагиларни бажаради:

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойга ижро иши юритувига алоқадор бўлмаган шахсларни киритмайди;

зарурият туғилганида, ижро иши юритувида иштирок этаётган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан танишиб чиқади;

ижро иши юритилаётган жойда ишга алоқадор ҳужжатлар, ашёлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қарздорлардан ундирилган пул маблағлари ва қимматбахо буюмлар, шунингдек бошқа мол-мулкларнинг бутлигини таъминлайди;

суд ижросининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан берган талабларини бажаради.

11. Суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари амалга оширилиши вақтида қарздор ёки бошқа шахслар ўзларининг ҳаракатлари билан ижро ҳужжатларини ижро этишга тўсқинлик қилганларида ички ишлар органлари ходимлари зудлик билан тўсқинликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Қарздор ва бошқа шахслар суд ижрочиси ёки ички ишлар органлари ходимларининг конуний талабларини бажаришдан бўйин товласалар, бу ҳакда далолатнома тузилади, тегишли материаллар конунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши учун ижро ҳаракатлари амалга оширилган жойдаги жиноят ишлари бўйича судга топширилади.

12. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган ҳолларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар ва бошқа турдаги куроллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда қўлланилади.

13. Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташабbusи билан кўпи билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин.

14. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда қарор чиқарди ва бу ҳакда ижро иши юритиш тарафлари, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга маълум қилади.

15. Ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилганда суд ижрочиси томонидан бу ҳакда далолатнома расмийлаштирилади.

Мазкур далолатнома суд ижрочиси, иштирок этувчи тарафлар ва ички ишлар органлари ходимлари томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ижро иши юритувига тикилади, иккинчи нусхаси эса ички ишлар органлари ходимларига тақдим этилади ва бу ҳақда суд ижрочиларининг туман (шахар) катта ижрочисига маълум қилинади.

16. Кейинга қолдирилган ижро ҳаракатлари ушбу Йўриқномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

17. Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатларида улар тамом бўлгунга қадар иштирок этадилар. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари тамом бўлгани тўғрисида ички ишлар органларининг лавозими бўйича юқори турувчи ходимини хабардор қиласи.

18. Ижро (ҳаракатлари амалга оширилганда ёки уларни амалга оширишнинг имконияти бўлмаганда) иши юритуви тамомланганидан сўнг, бу ҳақда далолатнома тузиласи. Далолатномада ички ишлар органлари ходимларининг иштироки тегишли равишда қайд этилиб, ижро ҳаракати иштирокчилари ҳамда ички ишлар идораси ходимлари томонидан имзоланади ва уларга мазкур далолатнома нусхаси берилади.

19. Ижро ҳаракатларида иштирок этган ички ишлар органлари ходимлари бу ҳақда туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлигини хабардор қиласи.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

30 Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
15 январда 1654-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 25 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиласи:**

1. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофик тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Адлия вазири Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
2/1-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
2-сон

Адлия вазирлиги ва Ички ишлар
вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги
2/1, 2-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

— +
Мазкур Йўриқнома, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Судга келишдан бош тортган шахсларни келтириш Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ мажбуровлар чораси ҳисобланади.
2. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш, ваколатли давлат органлари томонидан шахснинг судга ихтиёрий келишидан бош тортганида қўлланиладиган чораларни амалга оширишдан иборат.
3. Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари(кейинги ўринларда матнда ички ишлар органлари ходимлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

II. Мажбурий келтиришни ижро этиш тартиби

4. Суднинг ажрими шахсни мажбурий келтириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

5. Шахсни мажбурий келтириш тўғрисидаги суднинг ажрими у чиқарилган кундан бошлаб бир кун давомида иш кўриладиган жой бўйича ички ишлар органларига ижро учун берилади(жўнатилади).

Ажримда кўйидагилар кўрсатилиши шарт:

мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

унинг процессуал мавқеи;

мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг яшаш ёки иш жойи;

мажбурий келтиришни қўллаш учун асос;

мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг қаерга ва қачон олиб борилиши лозимлиги;

мажбурий келтиришни амалга ошириш кимга топширилаётгандиги.

6. Ички ишлар органларининг бўлим бошликлари мажбурий келтириш тўғрисидаги суднинг келиб тушган ажримини зудлик билан кўриб чиқади ва унинг аниқ ва ўз вақтида ижросини ташкил этади. Ички ишлар органлари бўлим бошликлари йўқ бўлган пайтда суд ажримининг ижросини унинг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

7. Мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим у келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичida маҳсус журналда рўйхатга олинади ва ички ишлар органлари ходимларига ижро учун имзо чектирилиб, топширилади.

8. Мажбурий келтириш соат 6-00 дан 22-00 гача амалга оширилади, куннинг бошқа пайтларида қонунда белгиланган ҳолларда амалга оширилади.

9. Ички ишлар органлари ходими ёки ходимлари гурухи мажбурий келтириш қонуда шахснинг ҳақиқий турган жойига боради.

Ички ишлар органлари ходими мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топганида, уни судга мажбурий келтириш тўғрисидаги ажрим билан танишириб, имзо чектиради. Бунда шахс топилган жой ва вақт, шахсни етказиш вақти, шунингдек мажбурий келтириши лозим бўлган шахснинг ариза, шикоят ва илтимосномалари ҳақида далолатнома тузилади.

10. Ички ишлар органлари ходими шахснинг қочиб кетганлиги, таътилдалиги, сафардалиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабаблар (табиий оғатлар, кичик ёшдаги фарзандларининг мавжудлиги ва уларни парваришилашни бошқа бирорга топширишнинг иложи бўлмаганда, транспорт харакатида узок муддатли танаффус ва х.к) туфайли келтиришнинг имкони йўқлигини белгилагач, далолатнома тузади ва у фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади. Далолатномага ички ишлар органлари бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланган билдирги ва узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинади.

Далолатнома, илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга, суд раисига ёки мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқарган судьяга топширилади.

11. Ички ишлар органлари ходимлари мажбурий келтиришни амалга ошираётганда, судга келтирилаётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишга, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

12. Қонуний талабларга қаршилик кўрсатилганида ёки ашаддий бўйсунмаслик ҳолатларида ички ишлар органлари ходимлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда жисмоний куч, маҳсус восита ва курол қўллаш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолда баённома тузилади ва унда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, вақти ва жойи ҳамда шахсга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади. Баённома қонунда назарда тутилган чоралар қўлланилганлиги тўғрисидаги билдирги билан бирга ички ишлар органи бўлим бошлиғига тақдим этилади. Бу ҳақда ажрими бўйича мажбурий келтириш амалга оширилган судья хабардор қилинади.

13. Бошқа шаҳарда, туманда ёки вилоятда яшовчи шахсга нисбатан мажбурий келтириш суднинг ажримига биноан, шахсларнинг яшаш жойидан қатъи назар, иш юритуви жойидаги ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Бошқа вилоятда яшовчи шахсни мажбурий келтириш Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Вояга етмаган шахсларни мажбурий келтириш уларнинг ота-оналари ёки уларнинг конуний вакиллари орқали амалга оширилади. Ички ишлар органи ходими мажбурий келтириши амалга ошираётганида келтирилиши лозим бўлган вояга етмаган шахснинг ота-онасини мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажрими билан танишириб, бу ҳақда имзо чектиради.

15. Судга мажбурий тартибда келтирилган шахс ички ишлар органлари ходими билдиргиси билан ажрим чиқарган судъяга топширилади. Билдирги ажрим чиқарган судъя томонидан имзоланади.

16. Ички ишлар органлари ходими судья талабига мувофиқ, сўнгги суд харатлари бажарилгунига қадар мажбурий келтирилган шахсни назорат қилиши шарт.

17. Суд ажримини бажармаган шахс конунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

18. Мажбурий келтириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қоплаш конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Якуний қоидалар

19. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган.

Олий суд раиси **Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

31 Судлар, суд процеслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
15 январда 1655-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 25 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилиди:**

1. Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2001 йил 10 апрелдаги 01-10-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 13 апрелдаги 1-сон «Судьялар ва суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш Тартибини тасдиқлаш ҳакида»ги қарори (2001 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1028) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Адлия вазири Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
2/2-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь,
3-сон

Адлия вазирлиги ва Ички ишлар
вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги
2/2, 3-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг
хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини белgilайди.

I. Умумий қоидалар

1. Судлар, суд процесслари ва суд процесслари иштирокчилари хамда уларнинг яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

2. Алоҳида ҳолларда, хавфсизлик ва ҳимояни таъминлаш чоралари қонунчиликка мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи бошқа ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

3. Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларига риоя этиши, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши ва уларга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

II. Судлар хавфсизлигини таъминлаш

§ 1. Судлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

4. Судлар хавфсизлигини таъминлаш суд биноларини қўриқлашдан иборат. Суд биноларини қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси адлия ва суд органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда матнда — Суд департаменти) судлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суд биноларининг қўриқлаш ишини ташкил этади ва бунинг учун белгиланган тартибда ички ишлар органлари ходимлари жалб этилади.

6. Суд биноларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Суд департаментининг Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари Суд департаментига тегишли суд биноларини қўриқлаш ишини ташкил этиш бўйича хат жўнатади. Хатда қўриқланиши лозим бўлган суд биноларининг миқдори кўрсатилади.

7. Суд департаменти тегишли хатларни олган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда уларни умумлаштиради ва ҳар бир ҳудуд (Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри) бўйича қўриқланиши лозим бўлган суд бинолари миқдорини аниқлайди.

8. Суд департаменти қўриқланиши лозим бўлган суд бинолари миқдори аниқланганидан сўнг ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси (кейинги ўринларда матнда — Бирлашма) билан суд биноларини қўриқлаш тўғрисида шартнома тузади. Суд биноларини қўриқлаш тўғрисидаги шартнома ҳар бир ҳудуд (Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри) бўйича алоҳида тузилади.

9. Суд биноларини қўриқлаш тўғрисидаги шартномада қўриқлаш бўйича хизматлар қийматини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тарифлар кўлланилади.

10. Суд биноларини қўриқлаш тўғрисидаги шартномалар тузилганидан сўнг беш кунлик муддат ичida шартномалар нусхалари Суд департаментининг ҳудудий бошқармаларига ва Бирлашманинг ҳудудий бўлимларига юборилади. Юборилган шартнома нусхалари Бирлашманинг ҳудудий бўлимлари томонидан суд биноларини қўриқлаш бўйича хизматларни кўрсатишга асос бўлиб хизмат қиласади.

11. Суд биноларини қўриқлаш хизматлари учун тўловлар Суд департаменти томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

§ 2. Суд биноларини қўриқлашни таъминлаш тартиби

12. Бирлашманинг тегишли ҳудудий бўлимлари шартнома нусхасини олгандан сўнг уч кунлик муддатда Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари билан бирга суд биноларини қўриқлаш ишини ташкил этади.

13. Суд биноларини қўриқлашни ташкил этиш учун Бирлашманинг ҳудудий бўлими суд биноларини қўриқлашни амалга ошириш учун ходимларни (кейинги ўринда матнда — қўриқлаш бўлими ходимлари) ажратади.

14. Қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан суд биноларини қўриқлаш кечаюндуз амалга оширилади.

15. Суд биноларини қўриқлашни таъминлаш учун қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан қўйидаги чоралар амалга оширилади:

суд биносига кириш ва чиқишининг қўриқланishi таъминланади;

суд раиси билан келишилган ҳолда назорат-руҳсатнома пункти ташкил этилади;

суд худудига хизмат гувоҳномаси ёки руҳсатнома бўйича кириш жорий этилади;

суд биносидаги хоналарни қўриқлаш сигнализацияси ҳолати назорат килинади, суд раисига камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади.

16. Қўриқлаш бўлими ходими қўриқланаётган суд биносини ўзига хослигини, сигнализация ва ёнфинга қарши кураш воситаларининг жойлашган жойлари ва улардан фойдаланишни билиши ҳамда уларни соз ҳолатда эканлигини текшириб, аниқланган барча камчиликлар бўйича дархол суд раисига хабар бериши лозим.

+

-

17. Етарли асослар мавжуд бўлганида қўриқлаш бўлими ходими жамоат тартибининг бузилишига йўл қўйган шахсларни ушлаши ва уларни туман (шахар) ички ишлар бўлимларига топшириши мумкин.

III. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш

§ 1. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

18. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бевосита суд мажлиси ўтказилишида комплекс чора-тадбирлар қўллаш йўли билан тартибни саклашдан иборат.

19. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ички ишлар органлари ходимлари (кейинги ўринларда матнда — ходим) томонидан амалга оширилади.

20. Суд мухокамасини ўтказишда тўқинликлар вужудга келиши эҳтимолини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлганида, суд мажлисига раислик қилувчи судья (кейинги ўринда матнда — раислик қилувчи) ёки суд раиси суд мажлиси ўтказилишига камидан уч кун қолганда, суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўриш тўғрисида туман (шахар) ички ишлар бўлимларига ёзма хабарнома жўнатади.

21. Туман (шахар) ички ишлар бўлимлари суднинг ёзма хабарномасини олганидан сўнг, хабарномада кўрсатилган муддатларда суд процесси хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш учун ходимлар ажратади.

§ 2. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш тартиби

22. Суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш учун ходимлар томонидан кўйидаги чоралар амалга оширилади:

раислик қилувчи ёки суд раиси билан келишувга биноан суд мажлиси хонаси ва маслаҳатхона хавфсизлиги таъминланади;

суд мажлисидан олдин суд мажлиси хоналари ва маслаҳатхонанинг уларда эгасиз ашёлар, ёнувчи, портловчи, захарловчи ва бошқа хавфли буюмларни аниқлаш юзасидан текшируви ташкиллаштирилади;

ташқи қўриниши ёки юриш-туришидан шубҳа туғдирувчи шахсларни текшириш ташкил этилади. Кўрсатилган шахслар етарли асослар мавжуд бўлганда ушланиши ва юқорида санаб ўтилган буюм ва ашёлар юбориладиган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига топширилиши мумкин.

23. Ходим суд мажлиси вақтида доимий равишда суд мажлиси залида бўлади. Суд мажлиси залини тарк этиш фақатгина раислик қилувчининг фармойиши (руҳсати) билан рухсат этилади.

24. Ходим суд процесслари хавфсизлигини таъминлашда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

конунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жисмоний куч, маҳсус воситалар ва ўқотар қуролини кўллаш;

суд раиси ёки раислик қилувчининг фармойишига биноан суд мажлиси тартибини бузувчи шахсларни суд мажлиси залидан чиқариб юбориш;

зарур ҳолларда қўшимча ёрдам чақириш.

25. Суд процессида хавфсизликни таъминлашда ходимлар:

раислик қилувчи ёки суд раисининг суд мажлиси вақтида ва суд биносида тартибни таъминлаш билан боғлик бўлган фармойишиларига бўйсунишга;

суд мажлиси хонасида ва маслаҳатхонада жамоат тартибини таъминлашга мажбурдирлар.

26. Зарур ҳолларда ходим раислик қилувчи ёки суд раисининг фармойишига биноан суд девонхонасида суд мажлиси ўтказиладиган жойга ёки судъя хонасига суд ишлари ва ашёвий далиллар етказиб берилишида уларнинг қўриқланиши ва сакланишини таъминлайди.

27. Ходим суд ишини ва ашёвий далилларни қўриқлаш ва уларни суд мажлисига етказиш тўғрисидаги фармойиши олгандан сўнг, суд мажлиси девонхонасига суд мажлиси котиби билан бирга келади. Котиб суд иши ва ашёвий далилларни олгандан сўнг ходим уни суд мажлисини ўтказиш жойига кузатиб қўяди.

28. Ходим суд мажлиси якуннида қилинган ишлар, суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан келиб тушган мурожаатлар, шунингдек суд залидаги барча ҳодисалар ва қўрилган чоралар ҳақида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига ёзма ҳисоботи тақдим этади. Ходимнинг суд мажлиси якунланганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботи суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан имзоланади.

IV. Суд процесслари иштирокчиларини ҳимоя қилиш

§ 1. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби

29. Суд процесслари иштирокчилари, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг (кейинги ўринларда матнда — қўриқланётган шахслар) хавфсизлигини таъминлаш кўрсатилган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига суиқасд қилиш

хавфи мавжуд бўлганда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган комплекс чоралардан иборат.

30. Кўриқланаётган шахсларга нисбатан таҳдиднинг мавжудлигини тасдиқловчи етарли далилларнинг борлиги хавфсизлик чораларини қўллашга асос бўлиб ҳисобланади.

31. Кўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари суд томонидан ушбу шахсларнинг таҳдид килувчи хавф ва бошқа ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги оғзаки (ёзма) аризасига асосан ёки суднинг ташабуси билан қўлланилади.

32. Кўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари суд томонидан ажрим чиқариш орқали қўлланилади. Ушбу ажрим туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига юборилади, нусхалари эса кўриқланаётган шахсларга берилади.

33. Суд ажримида кўриқланаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган аниқ хавфсизлик чоралари ва уларни амалга ошириш вактлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Бунда, ички ишлар органлари ишда мавжуд маълумотлар, хавф таҳдид солаётган шахслар, таҳдид солаётган хавфнинг эҳтимолий хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлари тўғрисида хабардор килинади.

34. Ички ишлар органлари суд ажримини олиши билан дарҳол кўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини кўришлари шарт.

35. Кўриқланаётган шахслар хавфсизлигини таъминловчи ички ишлар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши мажбурийdir.

36. Алоҳида ҳолларда ички ишлар органлари кўриқланаётган шахсларга, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун риоя этилиши мажбурий бўлган муайян кўрсатмалар бериши мумкин.

37. Кўриқланаётган шахсларга таҳдид солаётган хавф бартараф этилганда ёки хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун бошқа асослар вужудга келганда суд томонидан кўриқланаётган шахсларга нисбатан бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқарилади. Ушбу ажрим ички ишлар органларига юборилади, нусхалари эса кўриқланаётган шахсларга берилади.

§ 2. Хавфсизлик чоралари

38. Кўриқланаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, шунингдек улар мулкларининг сақланишини таъминлаш мақсадида қўйидаги хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин:

кўриқланаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш — кўриқланаётган шахсларнинг розилиги билан уларнинг шахси, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари, яшаш жойи ва улар ҳақидаги бошқа маълумотларни беришга вақтинчалик чеклов қўйилиши мумкин;

ёпиқ суд мажлисини ўтказиш — кўриқланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёпиқ суд мажлислари ўтказилиши мумкин;

шахсни, ўй-жой ва мол-мулкни ҳимоя қилиш — кўриқланаётган шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига ёхуд мол-мулкига таҳдид хавфи мавжуд бўлганда уларни шахси, ўй-жой ва мол-мулки ҳимоя қилинади.

Кўриқланаётган шахсларни ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилиш ёки йўқ қилиниш таҳдида хавфининг характеристи ва даражасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир неча хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин.

39. Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Ўзбе-

кистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади.

Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

40. Қўриқланнаётган шахснинг шахсий хавфсизлигини ва ишончли ҳимоясини таъминлаш учун суд процессида қўйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

қўриқланнаётган шахс унга хавф таҳдид солиб турган пайтда ходим талаблари га бўйсуниши шарт;

шахсни ҳимоя қилиш қўриқланнаётган шахс бўлган барча жойларда, шунингдек ёпик суд мажлисларида ҳам амалга оширилади;

ходим зарурат юзага келганида қўриқланнаётган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда қурол қўллаши мумкин;

суд мажлисидан олдин суд мажлиси биноси, суд муҳокама хоналари ва қўриқланнаётган шахс бўлиши мумкин бўлган бошқа хоналар кўздан кечирилади.

V. Якуний қоидалар

41. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий суд билан келишилган.

Олий суд раиси Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 январь

+

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУГИ

32 Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқнинг ўз кучини ўқотганлиги тўғрисида

(2007 йил 15 январда 5-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 10 мартағи 118-сон ва «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2006 йил 14 يولдаги 138-сон қарорларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг «Йўлов-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

чилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги» 2004 йил 26 апрелдаги 65-сон бўйруғи (2004 йил 28 июнь, рўйхат рақами 1377 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 26-сон, 303-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

2. Ушбу буйрук Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низом»ни (2004 йил 28 июнь, рўйхат рақами 1377) давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 10 январь,
3-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ



33 «Саҳро олтини» қўшма корхонаси учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2007 йил 18 январда 9-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги 133-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 270-модда) 2-сон иловасининг 7-бандига мувофиқ **қарор қиласиз:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 24 октябрдаги 32, 98-08-сон билан тасдиқланган «Саҳро олтини» қўшма корхонаси учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш тартиби (1998 йил 3 февраль, рўйхат рақами 403) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
110-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
2006-56-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

34 Солиқ имтиёзларини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзфармсаноат» концерни ҳузурида Ривожлантириш жамғармаси ташкил этиш тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2007 йил 18 январда 10-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 21 декабрдаги «Республикада дори-дармон воситалари ва тибиёт буюмлари ишлаб чиқариш турлари ва ҳажмини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 538-сон қарорининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан **қарор қиласиз**:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йил 20 январда 14, 2000-10-сон билан тасдиқланган Солиқ имтиёзларини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзфармсаноат» концерни ҳузурида Ривожлантириш жамғармаси ташкил этиш тартиби (2000 йил 8 февраль, рўйхат раками 891 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 3-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
112-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
2006-55-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

35 «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2007 йил 18 январда 11-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги 225-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 430-модда) 2-бандига мувофиқ **карор қиламиз**:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 августда 78, 2006-39-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (2006 йил 31 август, рўйхат рақами 1620 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 34-35-сон, 356-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
111-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 декабрь,
2006-53-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

36 *Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотовни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ги қарорга ўзгартаришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
19 январда 1512-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 29 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2005 йил 10 сентябрдаги 611-сонли «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотовни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2005 йил 20 сентябрь, рўйхат рақами 1512) қарорига иловага* мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 декабрь,
611-1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2007 йил 13 январдан 19 январгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2, 1-сон қарори.

2007 йил 15 январда 1653-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 январдан кучга киради).

2. «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топширикларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон қарори.

2007 йил 15 январда 1654-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 январдан кучга киради).

3. «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/2, 3-сон қарори.

2007 йил 15 январда 1655-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 январдан кучга киради).

4. «Пахта толасини экспорт қилиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 27 декабрдаги 611-1-сон қарори.

2007 йил 19 январда 1512-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуфулла наётган юридик шахсларнинг ходимлари ва хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида низом». Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортни агентлиги бошлиги буйруғи билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1377, 28.06.2004 й.).

Адлия вазирининг 2007 йил 15 январдаги 5-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Судьялар ва суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1028, 16.04.2001 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 15 январдаги 8-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Сахро олтини» қўшма корхонаси учун соликقا тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўймитаси томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 403, 03.02.1998 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 18 январдаги 9-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. «Солик имтиёзларини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзфармсаноат» концерни хузурида Ривожлантириш жамғармаси ташкил этиш тартиби». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўймитаси томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 891, 08.02.2000 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 18 январдаги 10-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойихаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солик солиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўймитаси томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1620, 31.08.2006 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 18 январдаги 11-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.